ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КУРБАНАЗАРОВ МУРАТБАЙ КУННАЗАРОВИЧ

ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ (ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ) МИНТАҚАСИДА ЯШОВЧИ АҲОЛИДА УЗОҚНИ КЎРА ОЛМАСЛИКНИНГ КЛИНИКАСИ ВА КЕЧИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.08 – Офтальмология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

УДК:617.753.21

Фалсафадоктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Курбаназаров Муратбай Кунназарович
Жанубий Оролбуйи (Қорақалпоғистон Республикаси) минтақасида яшовчи аҳолида узоқни кўра олмасликнинг клиникаси ва кечишининг ўзига хос хусусиятлари..... 3

Курбаназаров Муратбай Кунназарович
Особенности клиники и течения близорукости у населения, проживающего в регионе южного Приаралья (Республика Каракалпакстан)..... 21

Kurbanazarov Muratday Kunnazarovich
Features of the clinic and the course of myopia in the population living in in the southern Aral sea region Republic of Karakalpakstan)…….....……39

Эълон килинган ишлар руйхати
Список опубликованных работ
List ofpublished works…….....…..43

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КУРБАНАЗАРОВ МУРАТБАЙ КУННАЗАРОВИЧ

ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ (ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ) МИНТАҚАСИДА ЯШОВЧИ АҲОЛИДА УЗОҚНИ КЎРА ОЛМАСЛИКНИНГ КЛИНИКАСИ ВА КЕЧИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.08 – Офтальмология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B 2018.1.PhD/Tib451 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб сахифасида www.tsdi.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий рахбар:	**Юсупов Амин Абдуазизович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Медведев Михаил Анатольевич** тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қирғизстон Республикаси)
	Бузруков Ботир Тулкунович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети (Россия федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «____»_____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «___»_____тарқатилди.

(2019 йил «_____»_____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.М. Камилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори,профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси (аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда болалар ва ўсмирлардаги кўриш бузилишларининг асосий сабабларидан бири рефракция аномалиялари ҳисобланади, улар орасида узоқни кўра олмаслик (миопия) устунлик қилиб, у қарийб 80%ни ташкил этади. Шунингдек, ишнинг долзарблиги миопиянинг, айниқса ёш, меҳнатга яроқли кишилар орасида кўриш бўйича ногиронлик таркибида етакчи ўринни эгаллаши ҳамда рефракцион бузилишларнинг БЖССТ "Дунёда бартараф этиш мумкин бўлган кўрликни тугатиш. Кўриш 2020" дастурига киритилганлиги ва унда «...кейинги текширишлар натижаларига кўра коррекция қилинмаган рефракция нуқсонлари купайиши аниқланган"лиги, ушбу дастурда "...бартараф қилиниши мумкин бўлган кўрликнинг олдини олиш масаласани соғлиқни сақлашнинг миллий режасига киритишни тақоза қилади" [1] деб белгиланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Рефракцион бузилишлар туфайли юзага келадиган кўрлик - олдини олиш мумкин бўлган кўрлик ҳисобланади, шунинг учун узоқни кўра олмасликнинг клиникаси ва кечишини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, шунингдек миопик рефракцияли болаларни даволаш болалар офтальмологиясининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолади.

Дунё бўйлаб миопиянинг кенг тарқалганлигига қарамасдан, унинг турли мамлакатларда бир хил тарқалмаганлиги ва клиник кечишининг бир хилда эмаслиги қайд этилади. Экологик нокулай шароитда яшовчи болалар орасида узоқни кўра олмосликнинг эрта ривожланиши (6-7 ёш), жадал зўрайиб бориши, юкори даражаларининг экологик қулай шароитда яшовчиларга нисбатан икки баробар кўп учраши кўзатилган. Кам сондаги илмий манбаларда узоқни кўра олмослик (миопия)нинг патогенезида кўриш фаолияти зўриқиши ва ирсий омилларга ташқи мухитнинг таъсирида кўзнинг аккомодация хизматининг зайфлашуви эканлиги таъкидланмокда. Ташқи мухитнинг таъсирида кўз туқималаридаги окисланиш-кайта тикланиш жараёнлари, биокимёвий ва микроэлементлар таркибий ўзгаришлари кўз склерасининг каркас хусусияти бузилишини, аккомодациянинг зайфлашувини келтириб чиқариши тадкикот объекти булиб қолмокда. Кўзнинг миопизацияси буйича гипотеза ва назарияларнинг купайиб кетиши, юкори технологияли замонавий текширув натижалари бу муаммонинг ҳали ечими топилмаганлигидан дарак беради[2].

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йуналишлари буйича Харакатлар стратегиясида "....тиббий хизмат сифатини ошириш, оналик ва болаликни муҳофоза килиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.."[3] вазифалари билан бир қаторда Орол буйи

---

[1]ЖССТнинг 56 сессиясида кабул килинган "Дунёда бартараф этиш мумкин бўлган кўрликни тугатиш.Кўриш 2020" дастури.28.04.2003й.

[2]тиббиёт фанлари номзодлиги автореферати.-Москва.2007.-20 бет

[3]Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида" ги ПФ-4947-сонли Фармони

минтақасида экологик муҳитнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсирини юмшатиш буйича Давлат Дастури белгиланган[4]. Орол денгизининг қуриши муносабати билан унинг атрофидаги ҳудуд, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси (Жанубий Оролбўйи)да инсоннинг иммун тизими, касалланиш даражаси, жумладан кўриш аъзосига таъсир қилувчи экстремал вазият: ичимлик суви минераллашувининг ошиши, атмосферанинг чанг, туз, чанг-туз билан ифлосланиши ва тупроқ таркибининг ўзгариши, бинобарин озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг бузилиши вужудга келди. 2000-2005 йиллар давомида Қорақалпоғистонда яшовчи болаларда аъзо ва тўқималардаги турли биологик фаол моддалар миқдорини ўзгартириб инсон ва ҳайвон организмига салбий таъсир этувчи экологик омиллар туфайли умумий касалланиш 6,2% га, бирламчи касалланиш 1,8% га ошган. Камқонлик, миопия ва тиреотоксикозлар болалар ва ўсмирлар орасидаги касалланиш таркибида энг катта улушни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнин бешта устувор йуналиши буйича Харакатлар Стратегияси туғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПК-3071-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2221-сонли “2014-2018 йилларга мулжалланган Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўспиринлар соғлигини ҳимоя қилиш давлат Дастури ҳақида”ги карорлари, ҳамда тегишли соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўрув аъзоси касалликлари, жумладан рефракция аномалиялари дунё олимлари томонидан доимий тадқиқот ишлари олиб борилишига қарамасдан узоқни кўра олмаслик (миопия) рефракция турининг йилдан йилга купайиши тадкикот объекти бўлиб қолмокда. Олимларнинг башорати буйича жаҳонда 2025 йилга 2,5 млрд.га миопиянинг кўпайиши тахмин қилинмокда (D.Czepita, 2014; Сю Ченг, 2015; Бржеский В.В,2015; Brien A, Timothy R,David A.,Monica Jong., Kovin S.Naidoo., Padmaja S.,Tien Y.Wong.,Thomas J.N., Serge R.,2016). Миопиянинг ривожланиши микроэлементларнинг, жумладан цинк элементи етишмаслиги сабабли келиб чиқиши туғрисида фикрлар билдирилган (Huibi X.,Kaixun H., Qiuhua G.,Yushan Z.,Xiuxian H., 2001).

---

[4]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18-январдаги ПК-2731-сонли“2017-2021 йилларда Оролбуйии минтакасини ривожлантириш буйича Давлат Дастурихакида”ги карори

Кейинги йилларда илмий тадқиқот ишларда ифлосланган атмосфера ҳавосининг миопия касалигини келтириб чиқариши натижасида кўз туқималарида қон айланиш ва метаболизм бузилиши, кўз соққасида дистрофик, жумладан склерада ўзгаришларнинг ҳосил булиши туғрисида маълумотлар ўз аксини топмоқда. Кам сондаги илмий-тадқиқот ишларда ташқи муҳит омилларининг рефракция аномалияларини юзага келиши ва кечишига таъсири келтирилган (Сайфуллина Ф.Р., 2008; Еременко К.Ю., Федорищева Л.Е., Александрова Н.Н., 2011; Амиров А.Н., 2012). Қатор муаллифларнинг фикрича, ўзоқни кўра олмаслик (миопия)нинг ривожланиши патогенезидаги кўришнинг зўриқиши ва ирсий омил, ҳамда экстраокуляр касалликлар билан боғлиқ аккомодациянинг зайфлашуви ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларда устунлик қилувчи асосий бўғин ҳисобланади (Аветисов Э.С.ва бошқ., 2001; Онуфрийчук О.Н., 2006., Проскурина О.В.,2007; Четыз Р.Р.,2007).

Ўзбекистонда миопиянинг ҳар хил ёшдаги инсонларда тарқалиши, кўз касалликлари орасидаги улуши (Махкамова Ш.Г, 2000; Маматхужаева Г.Н, 2002), зўрайиб борувчи миопиянинг патогенези, комплекс даволаш усуллари (Левченко О.Г.,1985), болаларда зўрайиб борувчи миопияни хирургик усулларда даволаш, жумладан ксенотрансплантат имплантациясини қуллаш (Камилов Х.М., 2004), туғма миопиянинг патогенези, клиникаси ва даволаш усуллари (Юсупов А.А,1992) буйича тадкикотлар олиб борилган. Экологик муҳитнинг бузилиши Оролбуйи минтақасида яшовчи аҳоли орасида ичимлик суви, атмосфера ҳавоси бузилишига боғлиқ касалликларнинг, шу жумладан кўз касалликлари келиб чиқишига, иммун тизимнинг зайфлашувига олиб келди ва натижада касалликлар кечишининг ўзгариши, яширин ёки ноаниқ клиникаси, сурункали ўтиши, носпецифик симптомокомплекслар билан кечиши аниқланган (Атаниязова О.А., Константинова Л.Г., Ещанов Т.Б., Курбанов А.Б.,2001; Атаханова Д., Мадреимов А.,2006; Исаева Р.Б,2007). Амалиётдаги тажрибаларимиз натижалари кўра миопия касаллигининг кечиши шу регионда узига хос хусусиятларга эга эканлиги тахмин қилиш мумкин. Шу вақтгача жанубий Оролбуйи экологик ноқулай ҳудудда яшовчи болаларда миопия касаллигининг клиник кечиши туғрисида маълумот мавжуд эмас.

Юқорида кўрсатиб ўтилган миопиянинг ҳал этилмаган, бироқ ўта муҳим жиҳатлари мазкур тадқиқотларни ўтказиш учун асос бўлди ва унинг мақсад ҳамда вазифаларини белгилади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.Диссертация мавзуси Самарканд давлат тиббиёт институтининг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш” илмий-тадқиқот ишлари йўналиши хамда ТошПМИ Нукус филиалининг илмий-тадкикот режасига мувофиқ АТСС-26 “Қорақалпоғистон Республикасида атроф-муҳитнинг ҳозирги ҳолати сифати ва инсон организмининг зарарланиш даражасини баҳолаш” грант лойиҳасига мос равишда бажарилган (2006-2016 й).

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолида узоқни кўра олмаслик(миопия)нинг турли шакллари клиникаси ва кечишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

жанубий Оролбўйи минтақасида яшовчи болалар ва ўсмирларда миопиянинг ўзига хос клиник-функционал хусусиятларини аниқлаш;

жанубий Оролбўйи минтақасиниинг табақалаштирилган ҳудудларида яшовчи болалар ва ўсмирларда миопиянинг клиник шаклларини таққослаш;

жанубий Оролбўйи минтақасида яшовчи беморларда миопиянинг туғма ва орттирилган шакллари улушини аниқлаш;

жанубий Оролбўйи минтақасида яшовчи болалар ва ўспиринларда экстраокуляр патологиянинг узоқдан кўра олмаслик (миопия) касаллиги мавжуд беморлардаги ўрнини аниқлаш;

олинган натижалар асосида беморларга узоқдан кўра олмаслик (миопия)нинг асоратланишининг олдини олишга қаратилган амалий кўрсатмалар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Жанубий Оролбўйи минтақасининг экологик ёмон зоналарида яшовчи 213 бемор (420 кўз), улардан: 162 бемор (318 кўз) орттирилган миопия ва 51 бемор (102 кўз) туғма миопия билан;

назорат гуруҳини экологик яхши минтақа (Самарқанд ш. (65 бемор (127 кўз)) ва Самарқанд вилояти (55 бемор (109 кўз))да яшовчи турли даражадаги миопия билан 120 бемор (236 кўз) ташкил этди, уларни 95 бемор (186 кўз) орттирилган ва 25 бемор (50 кўз) туғма миопия билан беморлар ташкил қилди.

Тадқиқотнинг предмети экологик ноқулай ва солиштирилаётган ҳудудда яшовчи болаларда орттирилган миопия ва туғма миопия.

Тадқиқотнинг усуллари клиник симптоматикани баҳолаш учун стандарт офтмальмологик текширувлар: визометрия, периметрия, тонометрия, авторефрактометрия, биомикроскопия, медикаментоз мидриаз шароитида бевосита ва билвосита офтальмоскопия, статистик текширувлар ўтказилди. Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган “Statgraphics» дастурий пакети ёрдамида IBM PC шахсий компьютерида Стьюдент t-мезони кулланиш орқали фаркларнинг ишончлилиги бахоланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

жанубий Оролбўйининг экологик ёмон минтақасида яшовчи беморларда миопиянинг орттирилган ва туғма шаклларининг клиник (кўриш ўткирлиги пасайиши, кўрув майдони торайиши, рефракция кучайиши, кўз ўқи ўлчами чўзилиши, кўз туби асоратлари юқорилиги) хусусиятлари аниқланган;

жанубий Оролбўйи ҳудудида яшовчи асоратланган миопияси бор болалар ва ўсмирларда организмнинг реактивлигини зайфлаштирувчи экстраокуляр касалликларнинг турлари (анемия, нафас йўллари, эндокрин тизими касалликлари, юқумли касалликлар) аниқланган;

Қорақалпоғистон Республикасининг табақалаштирилган ҳудудларида ташқи муҳитнинг ноқулай омиллари (атмосфера ҳавоси ва тупроқнинг ифлосланиши, ичимлик суви минераллашуви), тури ва таъсир даражасига нисбатан болалар ва ўсмирларда миопиянинг клиник кечиши хусусиятлари, орттирилган ва туғма шаклларининг нисбати аниқланган;

жанубий Оролбуйи минтақасида атмосфера ҳавоси ва ичимлик суви сифати бузилиши натижасида организмда ҳужайра мембраналарининг шикастланиши, метаболик жараёнларнинг ўзгариши, склеранинг юпқалашуви ва қон томирларда шикастланишлар ривожланишининг миопия келиб чиқишига билвосита таъсири исботланган;

жанубий Оролбуйи минтақасида ифлосланган атмосфера ҳавоси таркибидаги газларнинг нафас олиш жараёнида қонга сўрилиши ва гемоглобин (Hb) билан бирикмасининг миядаги, кўздаги ва барча туқималардаги томирларнинг кислород билан тўйинишига тўсқинлик қилиши, атмосфера ҳавоси ва миопиянинг юқори кўрсаткичлари ўзаро боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Қорақолпоғистон Республикасининг тиббий-географик зоналари бўйича амалга оширилган комплекс текширув натижалари Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси орасида миопиянинг ривожланиш хавфини пасайтиришга қаратилган даво-профилактика чоралари тизимини такомиллаштириш ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш имконини берди;

болаларда миопияни эрта башоратлаш ва ўз вақтида даволаш имконини берувчи соматик касалликларнинг энг ахборий кўрсаткичлари ишлаб чиқилди;

мазкур тадқиқот натижалари Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи болалар ва ўсмирларда миопияни эрта ташҳислашнинг янги истиқболларини очади, кўриш аъзосининг касаллиги ва унинг асоратларини экологик омилларга боғлиқлигини ёритишда ёрдам бериши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Мазкур ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор жанубий Оролбуйи ҳудудида яшовчи болалар ва ўспиринларда миопия касаллиги кечишига атроф муҳитнинг экологик ноқулай таъсири ўрганилди.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти - тадкикот натижаларидан минтақанинг ўзига хос хусусиятларига мос равишда миопияниривожланишини олдини олиш юзасидан кейинги профилактик чораларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги стандарт офтальмологик текширувлар ва статистик текширув усулларини ўтказиш, шунингдек текширилган беморларнинг етарли даражадаги миқдори ва ташҳислашга тизимли ёндошув билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Орол буйи минтақасида узоқни кўра олмослик (миопия)нинг клиникаси ва кечишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича илмий натижалар асосида:

“Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида узоқни кўра олмаслик (миопия)ни келиб чиқиш хавфини эрта аниқлаш” услубий қулланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 апрелдаги 8н-р/188-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қулланма кичик мактаб ёшидаги болаларда узоқни кўра олмосликнинг келиб чиқиш хавфини эрта аниқлаш, ташхислаш тизимини такомиллаштириш имконини берган.

“Экстраокуляр касаллиги бор болаларда ёлғон миопияни даволаш усули” услубий курсатмаси тасдикланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 15 февралдаги 8н-р/51-сон маълумотномаси). Мазкур услубий курсатма асосида мактаб ўқувчиларида ўзоқни кўра олмаслик (миопия) касаллигини келиб чиқишини кўзнинг аккомодация холати буйича эрта ташхислаш ва самарали даволаш буйича аниқ ҳаракатлар режасини тузиш ва уни амалга ошириш тизимини шакллантириш иконини берган;

экологик нокулай шароитда яшовчи аҳоли орасида узоқни кўра олмаслик (миопия)ни келиб чиқиш хавфини эрта аниқлаш, ташхислаш ва самарали даволаш ҳамда кўзи ожизлик профилактикаси буйича олинган хулосалар асосида илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Қоракалпогистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика офтальмология шифохонаси, Республика болалар кўптармоқли тиббиёт маркази маслаҳат поликлиникаси (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 16 февралдаги 8н-д/37-сон маълумотномаси), шаҳар ва туман поликлиникалардаги кўз кабинетлари, таълим мактаблари тиббий пунктлари амалиётига жорий этилган. Олинган тадкикот натижалари болаларда узоқни кўра олмаслик (миопия) касаллигининг келиб чиқишини эрта аниқлаш, касаллар сонини камайтириш, даволаш ва профилактик ёрдам сифатини яхшилаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 3 та халқаро ва 3та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан, 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 159 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йуналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиб берилган тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«узоқни кўра олмослик (миопия)нинг тарқалиши, атроф-муҳитнинг ноқулай шароитларининг узоқни кўра олмаслик касаллигининг келиб чикишига таъсири, этиопатогенетик ривожланиш механизмлари»** деб номланувчи биринчи бобида кўз патологияси тузилмасида узоқни кўра олмаслик масалаларининг замонавий жиҳатлари, мазкур патологиянинг тарқалганлиги, учраши тез-тезлиги ва ривожланишининг этиопатогенетик механизмига бағишланган замонавий адабиётлар таҳлили келтирилган. Экстраокуляр патология ва ташқи муҳит салбий омилларининг узоқни кўра олмасликнинг ривожланишигатаъсири, шунингдек ногиронлик сабабчиси сифатида миопия асоратларининг ва замонавий даволаш усуллари таҳлили ёритилган. Муаммонинг кейинги тадқиқотни талаб қилувчи мунозарали масалалари келтирилган.

Диссертациянинг **иккинчи “экологик нокулай шароитда яшовчи болалар ва успиринларда узокни кўра олмослик (миопия)нинг клиник хусусиятларини аниклашнинг материал ва тадкикот усуллари”** деб номланган бобида тадқиқотнинг материалининг умумий таснифи, текширув усуллари, жумладан стандарт офтальмологик ва статистик усуллар келтирилади. Қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун тадқиқотлар Жанубий Орол бўйи минтақаси, Самарқанд ш. ва Самарқанд вилоятида яшовчи турли даража (1,0-20,0Д)даги узоқни кўра олмасликдан азият чекувчи 1,5 дан 17 ёшгача (ўртача 9,5±1,6) бўлган бола ва ўсмирларнинг 2006-2015 йиллар давомидаги клиник ҳолати баҳоланди.

Тадкикот ишларига 1,5-20,0Д оралигидаги барча даражадаги туғма ва орттирилган узоқни кўра олмаслик (миопия) касаллиги мавжуд жанубий Орол худудида яшовчи 213 нафар болалар ва ўспиринлар ва назорат гуруҳига экологик қўлай минтакада яшовчи 120 нафар узоқни кўра олмаслик (миопия) касаллиги мавжуд болалар ва ўспиринлар жалб қилинди.

Клиник текширувлар 2006-2015 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлигининг Республика офтальмология шифохонаси маслаҳат поликлиникасида, туман ва шаҳар поликлиникалари кўз кабинетлари, Самарканд давлат тиббиёт институти клиникаси ва консультатив поликлиникасида амалга оширилди.

Олинган клиник натижаларни қиёсий таққослаш мақсадида ЎзР Саломатлик ва тиббий статистика институти Қоракалпоғистон филиали ва

Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг 2006-2015 йиллардаги ҳисобот материалларидан фойдаланилди.

Комплекс текширув (педиатр иштирокида) ва диспансер кўриги натижалари буйича барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди:

- 1-чи гуруҳ (асосий)ни –213 бемор (420 кўз) ташкил этди, жумладан: экологик ёмон Жанубий Оролбўйи минтақасида яшовчи орттирилган миопия билан - 162 бемор (318 кўз) ва туғма миопия билан - 51 бемор (102 кўз).

- 2-гуруҳ (назорат)ни турли даражадаги ўзоқни кўра олмасликдан азият чекувчи 120 бемор (236 кўз) ташкил этди, жумладан экологик ёмон минтақада яшовчи (Самарканд ш.ва Самарқанд вилояти) кўриш ўткирлиги 1,0 дан 20,0 Д гача бўлган орттирилган миопия билан 95 бемор (186 кўз) ва туғма миопия билан 25 бемор (50 кўз).

Беморлар С.Э. Аветисов(1988) томонидан таклиф этилган замонавий клиник тасниф бўйича миопиянинг даражаси ва ривожланиш вақтига кўра тақсимланди.

Тадқиқот ишларининг қиёсий натижаларини таҳлили қулайлигини таъминлаш мақсадида жанубий Оролбуйи ҳудудининг табақалаштирилган схемасидан фойдаланилди. Экологик омилларнинг таъсири ва ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаларига нисбатан Оролбуйи ҳудуди денгизбуйи (Муйноқ), шимолий (Чимбой, Кораузак, Тахтакупир, Кунгирот, Конликул, Кегайли), марказий (Нукус шахри, Нукус тумани, Хожели, Тахиаташ, Шумонай) ва жанубий (Амударья, Беруний, Элликкала, Турткул) минтақаларига (зона) табакалаштирилган (Курбаниязов А.Б.,1992). Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган “Statgraphics» дастурий пакети ёрдамида IBM PC шахсий компьютерида Стьюдент t-мезони кулланиш оркали фаркларнинг ишончлилиги бахоланди. Миопия касаллигининг Оролбуйи худудида таркалиши ва ушбу худуддаги атроф-мухитнинг, жумладан атмосфера хавосининг ифлосланишини боғлиқлиги Пирсон усулида корреляция кэффициенти ўрганилганда ижобий боғлиқлик мавжудлиги аникланди.

$$r = \frac{\Sigma dx \cdot dy}{\sqrt{\Sigma d2x^2 \cdot \Sigma d^2 y}} = +0,9$$

Диссертациянинг **«Шахсий кузатув натижалари. Жанубий Оролбуйи худудида яшовчи аҳолида узоқни кўра олмасликнинг клиник хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича миопия ва умумий соматик касалликларнинг тарқалишига оид статистик таҳлил натижалари тақдим этилган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Саломатлик ва тиббий статистика институти Қорақалпоғистон филиали маълумотларига кўра 2006 – 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистонда аҳолининг 3 та ёш гуруҳи бўйича миопиянинг тарқалиши: 1 гуруҳ - 14 ёшгача бўлган болалар, 2 гуруҳ - 15-17 ёшли ўсмирлар, 3 гуруҳ – 18 ёшдан катталар. 2006 йилда миопия Қорақалпоғистон Республиксида болалар орасида (1 гуруҳ) 4846 беморда аниқланган бўлса, 2010 йилга келиб уларнинг сони 1,1 марта ошди.

Шунингдек, 14 ёшгача бўлган болалар орасида ҳам бирламчи касалланиш даражаси 1,4 марта кўпайди.

Болалик ва ўсмирлик даврларида миопиянинг ривожланишига ташқи муҳит омилларининг таъсир даражасини аниқлаш учун ҚР РесДСЭНМнинг ҳисобот ҳужжатлари асосида 2006-2015 йиллар бўйича атмосфера ҳавоси, сув ва тупроқнинг санитар ҳолати ҳақидаги санитар-гигиеник маълумотлар қиёсий таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари атмосфера ҳавосининг ифлосланиши жанубий Оролбуйи худудининг денгизбуйи (33,0%), шимолий (33,7%) ва марказий минтакасининг айрим туманларида (43,7%) юкори курсаткичларда булиб, ушбу зоналарда миопия касаллиги билан бир каторда қон ишлаб чиқариш, нафас йуллари, эндокрин тизими касалликларининг жанубий зонага нисбатан куп тарқалганлигини курсатди. **Стандарт офтальмологик текширув усуллари оркали б**еморларни офтальмологик кўригида анамнез маълумотлари тўпланди, касалликнинг давомийлиги, кўзойнак ва контакт линза билан коррекциялаш хусусиятлари аниқланди. Клиник симптоматикани баҳолаш учун умумофтмальмологик текширув: визометрия, периметрия, тонометрия, авторефрактометрия, биомикроскопия, медикаментоз мидриаз шароитида бевосита ва билвосита офтальмоскопия ўтказилди.

Барча беморлар стандарт офтальмологик текширувдан ўтказилди. Кўриш ўткирлиги рефракция аномалияларини фороптор (Foropter, АҚШ) ва линзалар тўплами (Zeiss) билан коррекциялаш орқали SZ-250 белгилар проектори (Zeiss, Германия), Сивцев-Головин жадвали, Рот аппарати ёрдамида аниқланди, авторефрактометрда (“Zeiss”, Германия) авторефрактометрия текшируви ўтказилди. ИРД-10 контактсиз тонометрида кўз ичи босими ўрганилди. Олдинги бўлак биомикроскопияси ЩЛ-56 тирқишли лампаси (Россия) ёрдамида амалга оширилди. Периферик кўриш майдони сфероперимет (“Zeiss”, Германия) ёрдамида периметрия усулида баҳоланди. Офтальмоскопия бевосита усулда қўл офтальмоскопи ёрдамида бажарилди, кўз туби текширилганда кўрув нерви диски, тўр парда томирларининг ҳолати, кўз тубининг марказий бўлимлари конус, стафилома, шиш, қон қуйилиши, дегенерация ўчоқларининг мавжудлигини эътиборга олиб баҳоланди, Ўрганилган офтальмологик беморлар контингентнинг 2/3 қисмини 8 дан ва 15 дан катта ёшдаги кишилар (65,9%) ташкил этди. Текширилган беморлар орасида ўғил болалар - 48,0% ва қиз болалар - 52,0%ни ташкил этди, миллий белги бўйича фарқлар аниқланмади (51,0% муқим ва 49,0% номуқим миллатга мансуб).

Аксарият ҳолатларда икки томонлама узоқни кўра олмаслик қайд этилди, шу сабабли олинган натижаларни баён этишда маълумотлар кўзнинг сони бўйича келтирилган, жумладан 2 ёшгача бўлган беморлар – 30 (8,9%)(59 кўз), 2 дан 4 ёшгача - 44 (13,7%) (90 кўз), 5 дан 7 ёшгача - 39 (11,4%) (77 кўз), 8 дан 14 ёшгача - 80 (23,7%) (154 кўз), 15 дан 17 ёшгача - 140 (42,2%) (276 кўз).

Бир томонлама миопия асосий гуруҳдаги 6 (2,8%) ва назорат гуруҳидаги 4 (3,3%) беморда қайд этилди, улардан: касалликнинг кучсиз даражаси 1-гуруҳда - 3 ва 2-гуруҳда - 2 ҳолатда, ўрта даражаси 1-гуруҳда - 2 ва 2-гуруҳда - 1 ҳолатда, юқори даражаси эса ҳар бир гуруҳда биттадан кўзда ташҳисланди.

Беморларнинг аксариятини кучсиз даражадаги миопия билан оғриган беморлар ташкил қилди - 387 (59,0%) кўз, 148 (22,4%) кўзда ўрта даражали, 121 (18,6%) кўзда юқори даражали миопия ташҳисланди.

Кучсиз даражали орттирилган миопия 1-гуруҳдаги 237 (56,4%) кўз ва 2-гуруҳдаги 150 (63,6%) кўз, ўрта даражаси 1-гуруҳдаги 58 (13,8%) кўз ва 2-гуруҳдаги 27 (11,4 %) кўзда қайд этилди, касалликнинг юқори даражаси 1-гуруҳда 23 (5,47%) кўз ва 2-гуруҳда 9 (3,81%) кўзда кузатилди.

Узоқни кўра олмасликнинг ривожланишини ёшга оид даври бўйича: ўрта даражали туғма миопия 1-гуруҳдаги 34 (8,1%) кўзда ва 2-гуруҳдаги 28 (11,9%) кўзда аниқланди, миопиянинг юқори даражаси 1-гуруҳдаги 68 (16,2%) кўз ва иккинчи гуруҳдаги 22 (9,3%) кўзда ташҳисланди.

Узоқни кўра олмасликнинг ривожланишида ирсий мойиллик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у 150 (45,0%) беморда қайд этилди. Туғма миопия билан оғриган болалар ва ўсмирлар орасида ирсий мойиллик 1-гуруҳда 74,0% ва 2-гуруҳда 68,0% беморда аниқланди. Орттирилган миопияда ирсий мойиллик гуруҳлар бўйича мос равишда 45,0% ва 24,0%ни ташкил этди. Туғма миопия билан 1-гуруҳдаги 18 (35,3%) беморнинг, 2-гуруҳдаги 8 (14,5%) беморнинг онаси миопиядан азият чеккан. Ота томондан миопия 1-гуруҳдаги 15 (29,4%), 2-гуруҳдаги (12,7%) беморда кузатилди, 1-гуруҳдаги 4 (7,8%) ва 2-гуруҳдаги 2 (3,6%) беморларнинг аждодлари миопия билан оғриганлиги аниқланди.

Миопия билан оғриган беморларда тонометрик кўрсаткичларни ўрганиш кўз гидродинамикасида сезиларли ўзгаришларни аниқламади. Кўз ичи босимининг ўртача қиймати миопиянинг кучсиз даражасига эга беморларда 18,5 мм сим.уст., ўрта даражали беморларда - 18,6 мм сим.уст., юқори даражали беморларда – 18,3 мм сим.уст.га тенг бўлди. Офтальмоскопик текширувда барча беморларда миопия учун хос бўлган ўзгаришлар аниқланди: кучсиз даражали миопия билан оғриган беморларда 1/8 - 1/6 PD конуслари, ўрта даражали миопия билан оғриган беморларда макуляр соҳада ёруғлик рефлексларининг узилиши, пигментни қайта тақсимланиши билан 1/4 - 1/3PD миопик конус кўринишидаги ўзгаришлар қайд этилди. Юқори даражали миопия билан оғриган беморлар гуруҳида қуйидагилар аниқланди: 1/2PD миопик конус ва кўпинча нотўғри шаклли, кўрув нерви дискини халқа шаклида ўраб олувчи миопик стафиломалар. Тўр пардада ёруғлик рефлексларининг мавжуд эмаслиги, депигментация ва йирик ҳамда ўрта томирлар қаватининг йўқолиши ёҳуд пигментациянинг кучайиши ва паркет туби шаклида катта майдонда пигментнинг тўпланиши ҳисобига кўз тубининг нотекис бўялиши аниқланди. Томир ва тўр пардалар элементларининг атрофияси туфайли кўпинча пигмент палахсалари билан

оқиш ўчоқлар кўринишида дегенератив ўзгаришлар қайд этилди. Макуляр соҳада майда доғ ёки рефлекснинг йўқолиши, айрим ҳолатларда майда атрофик ўчоқлар, асоратланган ҳолатларда қон қуйилиши ва йирик атрофик, пигментланган ўчоқлар (Фукс доғи)кузатилди. Чекка қисмда тўр парданинг ингичкалашуви, янада чеккароқда витреохориоретинал дистрофия белгилари: панжарасимон дистрофия соҳалари қайд этилди, камдан-кам ҳолларда тўр парданинг кўчиши ҳолатлари кузатилди.



Расм 1. 1-ва 2-гуруҳ беморлари рефракция кўрсаткичлари



Асосий гурух Назорат гурухи

Расм 2. 1-ва 2-гуруҳ беморлари визиометрия кўрсаткичлари

Ҳар иккала гуруҳдаги беморларнинг кўриш ўткирлиги кўрсаткичлари миопиянинг тури ва даражасига боғлиқ. Миопиянинг турли даражасида кўз ўткирлигининг ўртача кўрсаткичлари бир биридан статистик ишончли фарқланди. Визиометрия кўрсаткичларини беморларнинг яшаш жойи билан корреляцион алоқаси аниқланди, кўриш ўткирлигининг жанубдан шимол томонга пасайиши тенденцияси, кўриш ўткирлиги кўрсаткичларининг айниқса, Шимолий ва денгиз бўйи соҳаларида янада пасайиши қайд этилди, бу миопик рефракция кўрсаткичларининг ошиши билан боғлиқ.

Кучсиз даражадаги орттирилган миопияли беморларнинг 2-гуруҳида 1-гуруҳга нисбатан миопик рефракция 1,3 марта кучсизроқ, кўриш ўткирлиги (1,0) эса 1,1 марта юқорироқ. Ўрта даражадаги миопияли беморларнинг 2-гуруҳида 1-гуруҳга нисбатан миопик рефракция кучи 1,25 марта кам, кўриш ўткирлиги эса 1,46 марта юқори. Юқори даражадаги миопияли беморларнинг 2-гуруҳида 1-гуруҳга нисбатан миопик рефракция кучи 1,3 марта кам ва кўриш ўткирлиги эса 1,4 марта кўп.

Ўрта даражадаги туғма миопияли беморларнинг 2-гуруҳида 1-гуруҳга нисбатан кўриш ўткирлиги эса 1,7 марта юқори. Юқори даражадаги туғма миопияли беморларнинг 2-гуруҳида кўриш ўткирлиги 1-гуруҳга нисбатан 4,6 мартаюқори.

Шундай қилиб, кўзойнакли коррекциялаш билан кўриш ўткирлиги ва рефракция даражаси ўртасида тўғри корреляцион алоқа мавжуд, миопия даражаси қанчалик юқори бўлса, кўриш ўткирлиги шунча паст. 1-гуруҳ беморларида 2-гуруҳга нисбатан кўриш ўткирлигининг кучли пасайиши, шунингдек рефракциянинг энг юқори кўрсаткичлари ва кўзойнак билан максимал коррекциялаш тенденцияси қайд этилди. 2-гуруҳ беморларида миопик рефракциянинг паст қийматларида кўриш ўткирлигининг юқорилиги аниқланди, бу миопиянинг яхши стационар кечишига ҳамрохлик қилади. Миопиянинг юқори даражаси нафақат Жанубий Оролбўйи минтақасида яшовчи, балки Самарқандда яшовчи болалар орасида ҳам қайд этилди, бироқ мазкур патология Жанубий Оролбўйи минтақасидаги болалар ўртасида ишончли кўп учради($P<0,001$).

Орттирилган миопияда 1-гуруҳ беморларида 2-гуруҳга нисбатан астигматизм 2,5 марта кўп кузатилди. Туғма миопияда 1-гуруҳ беморларида астигматизм 2-гуруҳга нисбатан 2,5 марта кўп аниқланди. Шуни қайд этиш лозимки, туғма миопияда астигматизм орттирилган миопияга нисбатан 1,5 марта кўп, шу билан бирга 1-гуруҳ беморларида 2,5 марта кўпроқ кузатилди.

Туғма миопияда 1- ва 2-гуруҳларда анизометропиянинг туғма миопияга нисбатан 1,6 марта ва 1-гуруҳда 2,0 марта кўпқайд этилганлигига алоҳида эътиборни жалб этиш лозим. Орттирилган миопия билан текширилган 1-гуруҳ беморларида анизометропия 2-гуруҳдагига нисбатан 2,0 марта кўп учради.

1-гуруҳда минтақа бўйича кўрув майдони чегараларининг ўртача кўрсаткичлари туғма миопияда ўрта ва юқори даражали орттирилган миопия кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 28° ва 35° торайган.

Кўрув майдони чегараларининг ўртача кўрсаткичлари иккинчи гуруҳда 1-гуруҳга нисбатан ўрта даражадаги туғма миопияда 75°, юқори даражали туғма миопияда эса 99°га кўп. Кўрув майдони чегараларининг ўртача кўрсаткичлари 1-гуруҳга нисбатан орттирилган миопиянинг ўрта даражасида 65° ва юқори даражасида 92°га юқори.

Олинган маълумотлар денгизбўйи минтақаси ва Шимолий зоналарда яшовчи туғма миопияли беморларнинг 1-гуруҳида аниқланган миопиянинг асоратланган шаклини кўпроқ тавсифловчи кўз тубининг периферик қисмидаги морфологик ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Денгизбўйи ва шимолий зоналарда яшовчи беморларда нисбатан орттирилган миопиянинг асоратланган кечиши билан беморларнинг энг кўп сони 20,7% ва 20,5% аниқланди, бунда кўз олмасининг 29,01±1,37 ва 28,07±2,08 ўрта аксиал кесмаси билан (Жанубий зонада яшовчи беморларга нисбатан 2,0±1,2мм катта) юқори даражадаги миопия билан оғриган беморларнинг энг кўп сони 12,1% ва 8,1% кузатилди.



Расм 2.Ҳамрохлик қилувчи касалликлар бўйича беморлар тақсимоти

В сканерлаш маълумотлари шишасимон тана ва тўр пардада стуктур ўзгаришларнинг мавжудлигидан далолат бериб, улар аксарият холларда миопиянинг туғма шакли билан касалликнинг ўрта ва юқори даражасига эга 1-гуруҳга мансуб болалар ва ўсмирлар орасида 87 (85,2%) ва миопиянинг орттирилган шакли билан 156 (49,0%) кўзда кузатилди, бир вақтнинг ўзида структур ўзгаришлар туғма миопия билан 2-гуруҳда 36 (72,0%) ва орттирилган миопия билан 35 (18,8%) кўзда учраб, 1-гуруҳдаги мазкур кўрсаткичларга нисбатан мос равишда 1,2 ва 2,6 марта паст бўлди.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, орттирилган миопия билан 1-гуруҳ беморларига тегишли 105 (25,0%) кўзда шишасимон тананинг деструктив эхоўзгаришлари аниқланди, шу билан бирга касалликнинг туғма шаклида 50 (62,7%) кўзда гиалоид мембрана ва 9(8,8%) кўзда тўр парданинг кўчиши кузатилди. Бир вақтнинг ўзида орттирилган миопияли 2-гуруҳ беморларида беморларнинг аксарият қисми151 (81,1%) кўзда эхопатология аниқланмади ва атиги 25 (13,4%) кўзда шишасимон тананинг деструктив эхоўзгаришлари қайд этилди.

Барча беморлар чуқурлаштирилган диспансер кўригидан ўтказилди ва натижада уларда қатор соматик касалликлар аниқланди. Экстраокуляр патология орасида кўпинча қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари, айнан темир танқислиги камқонлиги 1-гуруҳдаги 63 (29,6%) ва 2-гуруҳдаги 24 (20,0%) беморда кузатилди, болалар орасида касалланиш частотаси бўйича иккинчи ўринни нафас олиш аъзолари касалликлари эгаллаб, улар 1-гуруҳдаги 36 (16,9%) ва 2-гуруҳдаги 3 (2,5%) беморда қайд этилди. Касалланиш частотаси бўйича 3 ўринни юқумли касалликлар – гепатит эгаллади, у 1-гуруҳдаги 31 (14,6%)ва 2-гуруҳдаги 13 (10,8%) беморда кузатилди. 200 нафар текширилувчиларда кондаги оксил, темир ва кальций микдори аникланди, жумладан 22% беморларда оқсил, 52,5% темир ва 7,5% ҳолатда қондаги кальций микдори нормадан пастлиги аниқланди..

Экстраокуляр патология ва ташқи муҳит омилларининг болалик ва ўсмирлик даврларида миопиянинг ривожланишига таъсир даражасини аниқлаш учун Жанубий Оролбўйининг турли иқлим-географик зоналарида яшовчи болалар ва ўсмирларни текширувдан ўтказиш натижасида олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили ўтказилди.

1-асосий гуруҳдаги турли ёшга мансуб 86,3% болада экологик қулай минтақада яшовчи беморларни ўз ичига олган 2-гуруҳ (50,6%) болаларига нисбатан умумсоматик касалликлар 1,7 марта кўп учради. Ўтказилган тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, Жанубий Оролбўйи минтақасидаги экологик ноқулай шароитлар ирсий омилларнинг экспрессияси, склеранинг бириктирувчи тўқимадан иборат структурасининг ўзгариши ва аккомодацион аппарат ҳамда кўз пардаларининг жароҳатланишини таъминлайди ва булар Э.С.Аветисов назарияси бўйича кўзнинг бириктирувчи тўқимадан иборат склерасидаги метаболик бузилишларнинг оқибати сифатида узоқдан кўра олмасликда асосий

рефрактогенез омиллари ҳисобланади. Шундай қилиб, ташқи муҳит экологик омилларининг узоқни кўра олмасликни клиник кечишига таъсири ва экстраокуляр патологияни ривожланиши ўртасида икки томонлама ўзаро алоқалар мавжуд.Ўзоқни кўра олмаслик (миопия) касаллигининг кечиш жараёнини таҳлил қилиш мақсадида 7-17 ёш оралиғидаги 100 болалар ва ўспиринлар 5 йил давомида ўрганилди.Тадқиқот бошланишида рефракциянинг ўртача градиенти 4±0,75Д ва 5 йиллик кузатув натижасига кўра рефракциянинг ўртача градиенти 7±1,25Д ташкил килди, яъни кузатув давомида 3,0Д га ўсиши аникланди. Таҳлил натижалари шуни курсатади, жумладан рефракция курсаткичларининг тез ўсиши асосан эрта орттирилган миопияси бор болаларда, туғма миопияси бор ва 14 ёшдан кейин орттирилган миопияси бор болаларда рефракция курсаткичларининг секин ўсиши кузатилди.Ўзоқни кўра олмаслик (миопия)нинг ўртача ўсиш градиенти текширилаётган ҳудудда(0,6±0,12),бошка ҳудудларга (Шарохин М.А и др.2012; Ситка М.М.,2018) нисбатан (0,33± 0,02) юқори кўрсаткични ташкил қилди.

ХУЛОСАЛАР

“Жанубий Оролбуйи (Қорақалпоғистон Республикаси) минтақасида яшовчи аҳолида узоқни кўра олмасликнинг клиникаси ва кечишининг ўзига хос хусусиятлари” мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси(PhD) олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1.Жанубий Оролбўйи минтақасида яшовчи текширувдан ўтказилган беморларда узоқни кўра олмаслик (миопия) касаллигининг клиник хусусиятларида кўриш ўткирлигининг ўртача кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан 1,6 баровар паст, асосий гуруҳда туғма миопиянинг юкори даражаси 1,2 барабар кўп, кўрув майдонининг суммар курсаткичлари асосий гурухда1,18 баровар торайганлиги, кўз соққасининг олд-орқа ўлчами асосий гуруҳда 1,08 баровар юкори, кўз тубининг хориоретинал асоратлари асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 1,9 баровар юқорилиги аниқланди

2. Жанубий Оролбўйи минтақасида яшовчи болалар ва ўсмирларда миопиянинг клиник кечиши ҳамда ташқи муҳитнинг ноқулай экологик омиллариўртасида аҳамиятли сабаб-оқибат корреляцион ўзаро алоқа мавжудлиги аниқланди. Жанубий Оролбўйи минтақасининг Денгизбўйи ва Шимолий ҳудудларида туғма миопиянинг тарқалиши юқорилиги ва асоратли кечишини юқори кўрсаткичларига эга хавф ҳудудига кириши белгиланди.

3. Миопия структурасида унинг орттирилган шакли 75,7%, туғма шакли 24,2%ни ташкил қилди, бироқ анизометропия ва астигматизм айниқса, Жанубий Оролбўйи минтақасининг Денгизбўйи ва Шимолий зоналарида яшовчи юқори даражали миопия билан оғриган беморлар гуруҳида кўпроқ кузатилди (P<0,05).

4. Жанубий Оролбўйи минтақасида яшовчи 86,3% болаларда миопия ва экстраокуляр патологиянинг бирга қўшилиши Самарқанд вилояти ва Самарқанд шаҳрининг экологик яхши зонасида яшовчи болаларга (50,6%) нисбатан 1,7 марта кўпроқ қайд этилиши аниқланди. Болалар ва ўсмирлар саломатлигини объектив баҳолаш миопия ривожланиши хавфининг айнан: темиртанқислиги камқонлиги (52,5%), бронхит (16,9%), гепатит (14,5%), гипотиреоз (10,3%), нефрит (8,9%), туғма аномалиялар (6,5%) каби оғирлик даражаси миопиянинг зўрайиб боришига тўғридан-тўғри таъсир этувчи эндоген омилларини аниқлаш имконини берди($P<0,05$).

5.ноқулай экологик минтақада яшовчи болаларда миопиянинг эрта ривожланиш хавфини аниқлаш ва аккомодация зайфлашуви сабабли ёлгон миопияни (аккомодация бузилиши) комплекс даволаш усуллари натижасида узоқни кўра олмослик (миопия)нинг ривожланиш хавфини 15-20% га қисқартиришга эришилди.

НАУЧНЫЙСОВЕТ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

КУРБАНАЗАРОВ МУРАТБАЙ КУННАЗАРОВИЧ

ОСОБЕННОСТИ КЛИНИКИ И ТЕЧЕНИЯ БЛИЗОРУКОСТИ У НАСЕЛЕНИЯ, ПРОЖИВАЮЩЕГО В РЕГИОНЕ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ (РЕСПУБЛИКА КАРАКАЛПАКСТАН)

14.00.08 – Офтальмология

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам

ТАШКЕНТ – 2019

Тема докторской диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за 2018.1.PhD/Tib 451

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.tdsi.uz и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet”www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Юсупов Амин Азизович** доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Медведев Михаил Анатольевич** доктор медицинских наук, профессор (Республика Киргизстан)
	Бузруков Ботир Тулкунович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	**Санкт-Петербургский государственныйпедиатрический медицинский университет (Российская федерация)**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.28.12. 2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103, тел./факс: Тел: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99. E-mail: tdsi2016@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирован за № _____) Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, ул. Махтумкули, 103, тел/факс: Тел.: +998-(71) 230-20-65

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2019 года).

Ж. А. Ризаев
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук

Л. Э. Хасанова
Учёный секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Х.М. Камилов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время одной из основных причин зрительных расстройств у детей и подростков являются аномалии рефракции, среди них до 80% доминирует близорукость. Также актуальность определяется лидирующим положением миопии в структуре инвалидности по зрению, особенно среди лиц молодого трудоспособного возраста. Еще тем фактом, что рефракционные нарушения включены в программу ВОЗ “Ликвидация устранимой слепоты в мире. Зрение 2020“, где отмечено, что “...последние исследования подтвердили существование значительного числа случаев некорректированных рефрактивных дефектов ", и согласно этой программе «…должны поставить вопрос предупреждения слепоты, которую можно избежать, и борьбы с нею на более высокое место в национальных планах здравоохранения»[1].Детская слепота от рефракционных нарушений, считается слепотой, которую можно предупредить, поэтому изучение клиники и течения близорукости, а также лечение детей с миопической рефракцией остается одной из актуальных проблем детской офтальмологии.

В мире частота распространения и клиническое течение близорукости не однородно в разных странах, что объясняется особенностями климатогеографических и социальных, а также признано роль наследственных и средовых факторов в происхождении миопии. Считают, что в патогенезе развития близорукости основным звеном является ослабление аккомодации, связанное со зрительной перегрузкой и наследственный фактор, доминирующий при неблагоприятных условиях. У детей, проживающих в неблагоприятных экологических условиях, раньше развивается миопия (с 6-7 лет) и быстро прогрессирует, миопия высокой степени в 2 раза чаще, чем в благоприятных районах**.** Обилие теорий и гипотез по миопизации глаз говорит о том, что данная проблема ещё далека от своего решения. Тем более что с развитием офтальмологии, использованием современного и высокотехнологичного оборудования, появились факты, которые не могут быть объяснены исходя из прежних представлений[2].

В Стратегий действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, определены задачи по “...повышению эффективности, а также качества оказания специализированной медицинской помощи, охране материнства и детства, пропаганде здорового образа жизни”[3]. Особое внимание уделяется развитию медицинской сферы региона Приаралья, в частности, профилактике возникновения и развития осложнений заболеваний органа зрения, в том числе близорукости и в Государственной программе по развитию региона

---

[1]Программа ВОЗ “Ликвидация устранимой слепоты. Видение-2020” принятый 56 сессии от 28.04.2003г.

[2]Автореферат кандидатской диссертации. Москва. 2007. 20 стр.

[3]Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 “Стратегия действий дальнейшего развития Республики Узбекистан в 2017-2021гг

Приаралья отмечено “...проведение меры по смягчению влияния отрицательных факторов окружающей среды и улучшение оказания медицинской помощи населения региона”[4]. Загрязнение атмосферы пылью, солью, пыле-солью и нарушение состава почвы, а, следовательно, продуктов питания, которые влияют на иммунную систему человека, на заболеваемость, в том числе на органы зрения. Общая заболеваемость за 2000-2005г. у детей Каракалпакстана возросла на 6,2%, первичная заболеваемость на 1,8%, вследствие экологических факторов, негативно влияющих на организм человека и животных, изменяя содержание различных биологически активных соединений в их органах и тканях. В структуре заболеваемости среди детей и подростков наибольший удельный вес занимают анемия, миопия и тиреотоксикозы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит задачам, обозначенным в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года и №ПП-2221 «О государственной программе по охране здоровья матерей, детей и подростков в Узбекистане на 2014-2018 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениямразвития науки и технологии республики. Иследование выполнено в соответствие с одним из приоритетных направлений науки и технологий Республики Узбекистан: VI. “Медицина и фармакология”.

Степень изученности проблемы. Несмотря на многочисленные научные исследования ученых причины прогрессирования, появление осложненных случаев, способы оптимальной коррекции аномалии рефракции остается объектом исследования. По прогнозам ученых (D.Czepita, 2014.; Brien A., Timothy R., David A., Monica Jong., Kovin S.Naidoo., Padmaja S., Tien Y.Wong., Thomas J.N., Serge R., 2015) частота распространения близорукости будет увеличиватся до 2,5 млрд. в 2025 году (Pei-Chang Wu, MD, PhD, Hsiu-Mei Huang, MD, MS, Hun-Ju Yu, MD,Po-Chiung Fang, MD, and Chueh-Tan Chen, MS, 2016; Jin Tao Sun, Meng An, Xiao Bo Yan, Guo Hua Li , and Da Bo Wang, 2018). Высказано мнение о том, что возможно развития близорукости при недостатке микроэлементов, в том числе цинка (Huibi X.,Kaixun H., Qiuhua G.,Yushan Z.,Xiuxian H., 2001).

В последние годы в немногочисленных научных публикациях приводится влияние факторов окружающей среды на возникновения и течение аномалии рефракции, нашли отражение связь возникновение миопии с факторами загрязнения атмосферного воздуха, вследствие которого

[4]Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-2731 от 18-января 2017г. “ О Государственной программе по развитию региона Приаралья в 2017-2021гг.”

выявлены нарушение метаболизма и кровообращения в тканях глазного яблока, приводящие дистрофическим изменениям глазного яблока, в том числе склеры. (Сайфуллина Ф.Р, 2008; Еременко К.Ю., Федорищева Л.Е.,Александрова Н.Н, 2011; Амиров А.Н, 2012). Некоторые авторы считают, что в патогенезе развития близорукости основным звеном является ослабление аккомодации, связанное со зрительной перегрузкой и наследственный фактор, доминирующий при неблагоприятных условиях, также наличие экстраокулярной патологии организма (Аветисов Э.С., 2001; Онуфрийчук О.Н., 2006., Проскурина О.В.,2007; Четыз Р.Р.,2007).

